

Ishonch

2019 йил 13 апрель • шанба • № 48 (4177)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни Ўмон Султонлиги, Қирғизистон Республикаси, Туркия Республикаси, Индонезия Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад бин Саид ал-Касирий, Ибрагим Жунусов, Меҳмет Сурейя Эр, Сунарио Картадината ҳамда Дархан Сатибалдидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни самимий табриклар, уларга масъулиятли дипломатик миссияни бажаришда муваффақиятлар тилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг барча жаҳазларида демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодий модернизация қилиш ва либераллаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Хусусан, 2019 йил мамлакатимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинган муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бугун ҳалқаро майдонда мамлакатимизга очиқ, ишончли ва истиқболли ҳамкор сифатида қаралмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти такомиллаштирилмоқда, ташқи сиёсатнинг иқтисодий йўналиши салмоқли

даражада кучайди. Бугунги кунда Ўзбекистон элчилари савдо, инвестиция ва туризм масалалари билан фаол шуғулланмоқда.

Асосий эътибор Марказий Осиё давлатлари билан аъъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Очиқ ва конструктив мулоқот йўлга қўйилгани туфайли минтақада ўзаро ишонч ва англашув муҳити шаклланиб, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этишда катта натижаларга эришилди.

Айни пайтда Ўзбекистон бошқа мамлакатлар билан ҳам ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни жадал ривожлантирмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидаги нутқда янги элчилар вакили бўлган давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлигини дўстлик ва муштарак ди-

ний қадриятлар боғлаб туриши таъкидланди.

Биз Ўмонни ўз минтақасида ва араб-мусулмон оламида муносиб ўринга эга, чуқур ўйланган ташқи сиёсат олиб бораётган мамлакат сифатида эътироф этамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Ўмон ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш ҳамда уларни тизимли ва узоқ муддатли асосда ривожлантиришга интилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодий, инвестициялар, фан-техника соҳаларидаги ҳамкорликни, таълим йўналишидаги алоқаларни фаоллаштириш муҳимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва Қирғизистонни кўп асрлик аъъанавий дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради.

Президентимиз кейинги йилларда давлат раҳбарлари даражасида очиқ ва ишончга асосланган мулоқот ўрнатилгани, Ўзбекистон – Қирғизистон стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Фаол парламентараро муносабатлар, ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Биргаликдаги сазъ-ҳаракатлар би-

лан мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли шериклик бундан буён ҳам изчил мустаҳкамлашиб боришига ишонч билдирилди.

Туркия катта сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат. Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикасининг ўзаро ҳурматга асосланган кўп қиррали алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Туркияга давлат ташрифи ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг ўтган йили Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳамкорликни мутлақо янги bosқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик шериклик кенгаши биринчи йиғилишининг ўтказилиши кўп қиррали муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши таъкидланди.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги аъъанавий ишончли ҳамкори. Халқларимизни маънавий-диний қадриятлар муштараклиги боғлаб туради.

Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бормоқда, турли тармоқларда, жумладан, зиёрат

туризми соҳасида қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари яхши қўшничилик, мустаҳкам дўстлик ва қардошлик ришталарига асосланган. Мамлакатларимиз ҳар томонлама ҳамкорликни фаол ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистоннинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан ўрнатилган ишончли ва самимий мулоқотни алоҳида қайд этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга амалга ошириладиган биринчи давлат ташрифи стратегик шерикликни изчил кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентимиз янги тайинланган элчилар профессионал ва ҳаётий тажрибаси, бой билими билан мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган дипломатик фаолиятини муваффақиятли амалга оширишига умид билдирди.

Ўз навбатида, элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорлик ва самарали шерикликни янада ривожлантиришга бор куч-ғайратларини сафарбар қилишини қайд этдилар.

Ў.А



11 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзодни қабул қилди.

president.uz

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазир Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

uz.uz

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14 апрель куни икки кунлик давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

president.uz

«2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

uz.uz

Саида Мирзиёева Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари этиб тасдиқланди.

xs.uz

Аҳадбек Ҳайдаров Давлат активларини бошқариш агентлиги директори лавозимига тайинланди.

kun.uz

Гулнора Раҳимова Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг Давлат харидлари бориш қароридан мониторинг бошқармаси бошлиги лавозимига тайинланди.

mf.uz

Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида «Булунгур» сув омбори қурилиши бошланди.

zarnews.uz

Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятларида Куролли Кучларнинг барча таркибий қисмлари биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича машғулотлар ўтказмоқда.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

«Ўзатом» агентлиги делегацияси АҚШнинг Техас штатида МАГАТЭнинг атом энергетика соҳаси раҳбарлари учун (International Nuclear Executive Leadership Seminar) ташкил этилган халқаро семинарда иштирок этди.

«Ўзатом» агентлиги матбуот хизмати

12 апрель – Жаҳон авиацияси ва космонавтикаси кунини муносабати билан Россия қаҳрамонлари ассоциацияси делегацияси Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани маркази – Гагарин шаҳрига ташриф бурди.

uz.uz

Халқаро ҳамкорлик

Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазанинг қай йўналишида оқшашлар бор, муаммоларни ечишда дунё тажрибаси қандай? Самарқандда ташкил этилган галдаги ижтимоий ҳамкорликка доир мулоқотда шу каби масалалар муҳокама этилди. Россиянинг Нижегород области касба уюшмалари кенгаши вакиллари иштирокидаги ушбу тадбирда томонлар ижтимоий, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олди.

Тажриба алмашилди



Учрашувда Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов, ЎЗКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Равшанбек Самарбеков, Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улғабек Муҳаммадов, Соғлиқни сақлаш, кимё ва фармацевтика саноти ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари иштирок этди. Мулоқот аввалда меҳмонларга мамлакатимизда касба уюшма ташкилотлари амалга ошираётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар хусусида маълумот берилди.

– Дунёдаги барча касба уюшмаларининг энг олий шиори бу – инсонларга наф келтириш. Ану шу эзгу мақсад барча жамоат ташкилотларини бир ёқадан бош чиқариб ишлашга, илғорлар тажрибасини ўрганишга ундайди, – дейди Нижегород области касба уюшмалари кенгаши раиси Анатолий Соколов. – Сизлар билан қарийб уч минг йиллик тарихга эга Самарқандда учрашиб турганимиздан мамнунимиз. Сафимизда қатор тармоқ касба уюшмалари бошланғич ташкилотлари раҳбарлари бор. Улар ўзбекистонлик ҳамкасблари амалга ошираётган ишлардан хабардор бўлди. Баъзи жиҳатларда сизларга ҳавасимиз келгани ҳам айни ҳақиқат. Айниқса, жамоат ташкилоти вакиллари орасида депутатларнинг кўплиги эътиборга молик. Афсуски, бу борада бизда оқшашлар бор. Учрашувдан олган муҳим таассуротларимдан яна бири, бу Ўзбекистонда касба уюшмалари етарлича мавқега эгаллидир. Қолаверса, ижтимоий шерикларнинг жамоат ташкилотига хайрихоҳлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

2

Фотокўргазма

Туркия манзаралари журналистлар нигоҳида

Ўзбекистон ва Туркия. Сўнги йилларда бу икки давлат ўртасидаги алоқалар янги bosқичга кўтарилиб, ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ўтган икки йил мобайнида 30 нафарга яқин ўзбекистонлик журналистнинг Туркияда ташкил қилинган турли тадбирларда иштирок этишига кўмаклашди.

Тошкент Фотосуратлар уйида Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот хизмати томонидан уюштирилган «Туркия ўзбекистонлик журналист ва фоторассомлар нигоҳида» деб номланган фотокўргазмада 500 тага яқин суратлар ичидан саралари танланиб, халқимиз эътиборига ҳавола этилди. Таниқли фоторассомлар Турсунали Қўзиёев, Фарҳод Курбонбоев, Хусниддин Ато ва Абдували Сайбназаров каби кўплаб ўз касбининг моҳир усталари асарлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Тадбирда Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ушбу давлатнинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи халқнинг яшаш тарзи, табиати, меъморчилиги акс этган турли сурат муаллифларига сертификатлар топширди. Халқимизни турк маданияти, урф-одатлари, маросимлари ва меъморчилик аъъанавлари билан яқинроқ таништириш ва давлатлар ўртасидаги маданий алоқаларни кучайтиришни мақсад қилган кўргазмага суратларни саралаш жараёнида журналист нигоҳи қаратилган объектнинг долзарблиги, мавзунинг аҳамияти ва асарнинг техник сифатига эътибор берилгани алоҳида таъкидланди.



– Яқин йилларда Туркияда икки бор бўлдим. Бу халқда ватанга муҳаббат, давлат байроғига ҳурмат ниҳоятда кучли экани мени тўлқинlantирди. Таассуротларимни иложи борича суратларда муҳрлашга ҳаракат қилдим. Бугунги кўргазмага 9 та ана шундай суратим танлаб олинди, – дейди Ўзбекистон ахборот агентлигининг Наманган вилояти бўйича фотомухбири Ҳотам Мамадалиев.

– Яна бир эътироф этади-

ган жиҳати, аҳоли яшаيدиган уйлар, бозорлар, одамларнинг ўша дамдаги ҳолати, умуман, барчаси табиий олинган. Кишининг эътиборини тортади, завқлантиради, кайфият беради, – дейди Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Мухлиса Донабоева.

Фотокўргазма 14 апрелгача Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch»

Шахсий фикр

Қай тилда фикрласангиз, шу миллатга мойилсиз

ёхуд она тилининг инсон маънавияти ва миллат маданиятига таъсири хусусида

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов «Фейсбук»даги саҳифасида Президент мактабларига қабул жараёни, бунда инглиз тилининг аҳамияти ҳақида фикр билдирганига бир ойдан ошди. Аммо кўтарилган мавзу дол-

зарб, вазирнинг ёндашуви эса бироз мунозарали бўлгани учун ҳамон муҳокама-ю баҳслар давом этмоқда...

Ана шундай муносабатларнинг бири сифатида 2019 йил 14 мартда «Ishonch» газетасида (34-сон) чоп этилган ўрол

Содиқнинг «Халқ таълими вазирига очиқ хат»и ва унга Халқ таълими вазири Ахборот хизматининг жавоби менда ҳам айрим мулоҳазаларни уйғотди.

4

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИҢ:

ЧЕКЛОВЛАР:

иқтисодий фойдамай ёки зарар? (Иккинчи мақола)

«ОЛТИН ТҮЙ» ДАН КЕЙИНГИ

АЖРАШИШЛАР...

Турмушга дарз етказган омиллар нимада?

ЖАВОБ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

Тажриба алмашилди

41 Ҳамкасблар келишув ва битимлар, жамоа шартномаси орқали меҳнаткашларга берилётган имтиёз ва афзалликлар хусусида ҳам гаплашиб олишди. Аёлларнинг гендер тенглиги, ишловчи аёлларга иш берувчиларнинг қўллаётган имтиёзлари муҳокама этилди. Тармоқ ва тараф келишувлар аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Сайёрамиздаги муаззам заминда меҳмон бўлди. Бу ердаги кўҳна Шарқ маданияти, тарих солномаларида музаффар битиклар қолдирган алломалар макбараларини зиёрат қилдик, — дейди «Нижний Новгород газ саноати» очиқ акциядорлик жамияти касабаси уюшмаси раиси Максим Варон. — Вилоятда касабаси уюшмаларининг янги биносида ходимларга яратилган шароит билан танишдик. Улар амалга

ошираётган ишларга қизиқишимиз ортиди. Учрашувда «MAN UZBEKISTAN» автомобиль заводи касабаси уюшмаси ташкилоти етакчиси Маҳмуд Баротов, «Касабаси сайр» шўба қорхонаси раҳбари Тўлқин Хидиров ҳамкорлик алоқаси, туризм йўналишларида ҳаракатларни бирлаштириш хусусида сўз юритди.

— Самарқандда касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси қошида «Касабаси зиё» ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилган экан, — дейди «Нижегород» ўқув-методик маркази раҳбари Лариса Белокопитова. — Биз ҳам ана шундай ижтимоий ва меҳнат муҳофазаси йўналишида ўқувлар ташкил этамиз. Ҳамкасбаримиз билан учрашиб келгусида бу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида фикрлашиб олдик. Икки давлат касабаси уюшмалари вакиллари ўр-



тасида кечган қизинг учрашувда ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш лозим, деган қарорга келинди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch»

«Ishonch» кўзгусида

Навоий вилояти

Ёддан чиқмайдиغان кун

«Кизилқумцемент» акциядорлик жамиятига қарашли сийхатгоҳда 16 нафар фарзанднинг хатна тўйлари ўтказилди. Тантанана қорхона маъмурияти тўй болаларга сарполар ва қимматбаҳо ҳадялар тортиқ қилиб, уларнинг ҳар бирига банкда очилган махсус омонат дафтарчаларини топширди. Халқимизга хос бағрикенглик ифодаси бўлган ушбу тадбир тўй болаларнинг ота-оналари кўнгилга шукроналик, азалий ўзбекона фазилатларимиздан фахрланиш туйғуларини бағишлади.

«Бир фарзандга уч китоб»

Навоий шаҳридаги 12-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида «Китоб кўзининг нури, қалбнинг шуури» шiori остида «Бир фарзандга уч китоб» хайрия марафони ўтказилди. Унда намойиш этилган китоблар кўргазмаси ўқувчи-ёшларда мутолаага бўлган қизиқишни ошириши шубҳасиз. Китоб марафони якунида ота-оналар, ўқувчилар ва ҳомийлар мактаб кутубхонаси фондига китоблар туҳфа этишди.

Саломатлик сари югуриб...

Навоий шаҳридаги «Ёшлик қўли» атрофида вилоят соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа қорхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида «Ҳар бир инсон ўз соғлиғига масъул» шiori остида «Югуриш куни» тадбири ташкил этилди. Унда ёшлар, меҳнат фахрийлари, турли маҳаллаларнинг фуқаролари, тиббиёт соҳаси вакиллари иборат 6000 нафардан ортиқ аҳоли қатнашди.

Томорқамдан «Тилла хумча» чиқди...

Кармана туманининг «Пахтабод» маҳалласида истиқомат қилувчи Шавкат Бозоров 2018 йилда «Раҳмат бобо издошлари» оилавий қорхонасини ташкил этиб, ҳовлиси ёнидаги 8 сотих ерда иссиқхона бунёди этган эди. Утган йили иссиқхонамизга экилган бодринг ва помидордан 8 тонна ҳосил кўтардик, — дейди Шавкат Бозоров. — Бунинг эвазига 20 миллион соф даромад олдик. Даромадимизни иссиқхона ишларини кенгайтиришга сарфладик. Ноябрь ойида «Дафнус» номли помидор кўчатларидан 2000 туپ эдик. Сирасини айтганда, мен томорқамдан «олтин хумча» топдим.

Томорқаси қаровисиз қолган ҳовлиларда «тилла хумча» бор эканини бошқалар ҳам ўйлаб кўрадиган фурсат келмадими? Дилафўра ўРОЗОВА, «Ishonch»

Мулоҳаза

Тошкент шаҳри

Саёҳат

Бу ерда тарих яратилмоқда

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши тармоқ тизимида фаолият юритаётган ёш ишчи-ҳодимлар ва олийгоҳ талабаларининг пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳатини ташкил этди.

Туризм орқали ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтириш, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида уюштирилган ушбу сайр давомида саёҳатчилар «Tashkent City», Ислоҳ цивилизацияси маркази ҳамда Ҳазрати Имом мажмуаларида бўлишди.

«Tashkent City»да барпо этилаётган объектларда амалга оширилаётган ишлар барчада катта таассурот қолдирди. Ислоҳ цивилизацияси маркази қурилишида ташкилланган тақдимотда эса саёҳатчилар иншоотнинг умумий қиёфаси ва бунёд этишдан мақсад ҳамда унинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотларга эга бўлди. Қурилиш ишлари давом этаётган ушбу ҳудудда «Бу ерда тарих яратилмоқда» деган ёзув эътиборини тортган ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси янада жўш урди. Бу уларнинг гап-сўзи ва кўзларидаги учкунда яққол акс этди.

Шавкат ТОИРОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Енгил атлетика

Устоз хотираси

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида енгил атлетика бўйича профессор Ропижон Қудратов хотирасига бағишланган очиқ чемпионат ўтказилди. Спортнинг югуриш, баландлиққа сакраш, найза улоқтириш, ядро улоқтириш, узунликка сакраш каби турлари бўйича ташкил этилган мусобақаларда 600 нафарга яқин спортчи ёшлар иштирок этди.

— 1950 йилда туғилган Ропижон Қудратов Самарқанд давлат педагогика институтини тамомлаб, дастлаб Жиззахдаги политехника техникумида жисмоний тарбиядан дарс беради. 1973 йилдан бошлаб ЎзДЖТИда фаолиятини давом эттирган устоз ректорлик қилган даврда ушбу таълим масканида қўллаб-қувватлаш амалга оширилган — дейди чемпионатнинг 100 метрга югуриш баҳслари ғолиби Сабина Шириева. — Ажойиб инсон хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақалар қизгин руҳда ўтди. Қўллаб-қувватловчилар ичидан шохсугага кўтарилганимдан жуда хурсандман. Мусобақа ғолиблари муносиб тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз

Сирдарё вилояти

Касабаси уюшмаси кўмаги

Қимматга тушган қонунбузарлик

Ражабмо Жўраева узоқ йиллик иш стажига эга тажрибали шифокор. Шу йил бошида Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси маъмурияти унга нисбатан дастлаб интизомий жазо сўраб қўлаб, сўнг у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. Бундан норози бўлган Р. Жўраева Сирдарё вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмасига мурожаат этди. Уни тармоқ касабаси уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Раъно Абдалимова ҳамда бирлашма юридик бўлими ходимлари ўрганиб чиқди. Натижада иш берувчининг меҳнат қонунчилигини бузгани маълум бўлди.

Авалло, ходим бир ҳолат бўйича икки қарра жазага тортилган. Бу мазкур буйруқнинг бекор бўлишига асос бўлади. Навбатдаги жарима жазоси қўлланилишида ҳам тушунтириш ва изоҳлар етарли бўлмаган. Қолаверса, қўлланилган интизомий чора берилгани туғрисидаги буйруқ билан ходим ёзма равишда таништирилмаган. Меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилиниши ҳам бир қанча қонунбузулиш ҳолатига йўл қўйилган. Яъни, ходимдан тушунтириш хати олинмаган. Буйруқ чиққан кунда амалга оширилгани лозим бўлган тўловлар амалга оширилмаган. Энг асосийси, муассаса бошлангич касабаси уюшмаси қўмитасининг ушбу ҳолатга розилиги олинмаган.

Бу вазиятда ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланиши лозим эди. Тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига меҳнат қонунчилиги ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритди. Бироқ ундаги талаблар бажарилмаган, судга даъво аризаси топширилди. Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Боёв туманлараро судининг ҳал қилув қарори асосида ходим ишга тикланди. Энди қонунбузар Р. Жўраевага мажбурий прокуратура даври ҳамда маънавий зарар учун ўн миллион сўмдан ортиқ миқдорда маблағ тўлайди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch»

Жиззах вилояти

Сарҳисоб

Яқинда қорхонамизда маъмурият ва касабаси уюшмаси қўмитаси ўртасидаги жамоа шарномасининг 2018 йилда бажарилишига бағишланган конференция ўтказилди. Унда икки томонлама имзоланган ҳужжатнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Эришилган натижалар билан биргаликда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар ҳам очиқ-ойдин айтиб ўтилди.

Янада фаол бўлишга рағбат

Таҳлиллар ўтган йили касабаси уюшмаси қўмитаси олдига қўйилган вазифалар тўлиқ адо этилганини кўрсатмоқда. Хусусан, ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасидаги чора-тадбирлар режаси орғиғи билан уфдаланган. Жамоа шартномаси бандларини бажаришга 16 миллиард 297 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланган. Бошқача айтганда, ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 11 миллион 641 минг сўмдан маблағ ажратилган.

Яна бир жиҳат, меҳнатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал ва барча турдаги ҳимоя воситалари билан таъминланди. Жамоа шартномасига асосан меҳнат таътили даврида ходимларга турли имтиёзлар қўлланилди. Масалан, 1 йилдан 3 йилгача иш стажига эга бўлган ходимлар таътилига қўшимча 1 кун, иш стажига 3 йилдан 5 йилгача иш стажига эга бўлганларга 2 кун, 5 йилдан 10 йилгача иш стажига эга бўлганларга 3 кун, 10 йилдан 15 йилгача иш стажига эга бўлганларга 4 кун, 15 йилдан 20 йилгача иш стажига эга бўлганларга 5 кун ва 20 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга 6 кун қўшимча таътил берилди. Бундан ташқари, 2018 йил давомида меҳнат таътилига чиққан ходимга ойлик маоши миқдоридан мукофот пули бериш йўлга қўйилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жамоа шартномасига асосан ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш изчил давом этапти. Утган йили 1324 нафар ходимга энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридан овқат пули берилди. Қишга мевасабзавот ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини жамғариши учун ҳар бир ходим энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдоридан ёрдам пули олди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқар-

маси билан тузилган келишувга асосан ходимларимиз оила аъзолари билан биргаликда «Чинобод», «Чортоқ», «Оқтош», «Ботаника», «Чимён», «Хавотог», «Турон», «Умид гулшани» каби санаторийларда соғлиғини тиклаб, дам олишди.

Шаҳар, туман электр тармоқлари қорхоналарида, нимстанция гуруҳларида фаол меҳнат қилаётган ходимлар учун Тошкент, Самарқанд шаҳарлари ва «Ҳазрати Довуд» зиёратгоҳига туристик саёҳатлар уюштирилди.

Буларнинг барчаси ишчи-ҳодимларни янада унумлироқ, янада қулоқроқ ишлашга, халқимизнинг электр энергиясига бўлган талабини узлуқсиз, бир мезғирда таъминлашга ундаши аниқ.

Илҳом ўРИНОВ, «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси» АЖ касабаси уюшмаси қўмитаси раиси

Бухоро вилояти

«Етти пир»сиз зиёрат туризми ёхуд сайёҳларга қандай хизмат кўрсатиш керак?

Мамлакатимизда туризм соҳаси, хусусан, зиёрат туризмининг равнақ топтиришда турли тадбирлар ва фестивалларнинг аҳамияти катта. Айтиш жоизки, мана шундай тадбирлар соҳасида фаолликни кўзга тутиш керак. Етти пир сиз зиёрат туризми билан маҳаллий тадбиркорларнинг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишга рағбат уйғотади.

Жорий йилнинг 21-22 февраль кунлари Бухоро шаҳрида 34 давлатнинг 120 дан ортиқ вакили иштирокида ўтган I Халқаро зиёрат туризми форуми ҳам шундай мақсадни кўздан кечирилди.

Бу мақсадларга қай даражада эришилгани эса, табиийки, кейинги жараёнларга, сайёҳаракатларга боғлиқ. Хозир мутасаддиларимиз сарфлаган куч, вақт, сарф-харажатлар келажакда ўзини оқлайдики — шу масала хусусида фикр юритсак.

Албатта, бундай анжуманни ташкиллаштириш, унга қўллаб-қувватлаш чет эллик нуфузли шахсларни жалб қилишнинг ўзини энг муҳим ютуқ дейишимиз мумкин. Аммо тадбир меҳмонларнинг шаҳарлараро ва шаҳар ичида транспортлардан фойдаланиши, маънавий ва маиший эҳтиёжларини қондириши таъминлаш, шунингдек, улардан бир қанчасининг ўн-ўн беш дақиқа маъруза ўқишдан иборат бўлиб қолмагани, деган фикр ҳам йўқ эмас. Кези келганда, форум мобайнида ташкилий масалаларда айрим кендикликлар кўзга ташланганини ҳам айтиш лозим.

Саудия Арабистонидаги «Ал-Фариз» сайёҳлик компанияси бошқарувчи раиси Абдуллоҳ Хусейн Алфрайҳунинг айтишича, сафар дастури жуда тизимли тузилган: эрта тонгдан қоездга ўтириб, охиёқки Бухорога келиш, бир куннинг ўзида Баҳоуддин Нақшбанд ёдрорлик жаммасига, сўнг


қўҳна шаҳарнинг асосий обидаларига саёҳат, ундан кейин эса форумда қатнашиш ва ҳоказолар.

Воҳада зиёрат туризмининг бош негизи бўлиши кутилаётган «Етти пир» силсиласидаги олти қадамжони эса меҳмонлар кўришгани йўқ. Табиийки, бу ҳолатда чет эллик инвесторлар, сайёҳлик фирмалари вакиллари қадимий гўшада мавжуд улкан салоҳият юзасидан тўла-тўқис маълумот олди, деб бўлмайди.

Яна бир мисол. Туркия Диний ишлар бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Осман Тирашчи форумда сўз олиб, «Шундай совуққа қарамай, тадбирда қатнашаётганингиз учун барчангизга раҳмат!» деди. Бу гапдан, аслида, халқаро тадбир ўтган Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказининг катта зали яхши иситилмаганини англаш мумкин.

Албатта, иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Аммо кейинчалик хорижлик зиёратчиларга хизмат кўрсатишда ана шундай нуқсонлар кузатишмаслигига ким кафолат беради?!

Баён этилган ҳолатлардан тегишлича хулосалар чиқариш лозим. Ўнгласа бўладиган, фақат озгина эътибор талаб этиладиган жузъий камчиликларга йўл қўймаслик ҳам қарз, ҳам фарз. Негаки, айнан арзимас хатолар соҳасида ривожига салбий таъсир қилиши мумкин. Зиёрат туризми борасида дунё тажрибасини чуқур ўрганиб, самарали татбиқ



Форум учун сарфланган куч, вақт, сарф-харажат келажакда ўзини оқлайдими?

этиш муваффақият гарови саналади. Бу борада Миср ижтимоий мувофиқлик, оила ва ногиронлар палатаси раиси Абдулҳади ал-Қасаби, Ўзбекистоннинг Индонезиядаги туризм бренди элчиси Эко Шри Марганити, Сингапурдаги «Crescent Rating» компаниясининг бош менежери Фазал Бахардин, ЖАРнинг Ҳалол сертификатлаштириш органи (SANHA) раҳбари Мавлоно Навлаҳи ва бошқалар билдирган фикр-мулоҳазалар яхшигина сабоқ бўлди.

Хорижлик мутахассисларнинг таъкидлашича, бугун жаҳон туризмида Испания, Франция, Италия, Германия сингари Европа давлатлари етакчи эканлигининг боиси уларда ҳатто бир кичик деталга ҳам алоҳида диққат қаратилиши билан боғлиқ. Бу жиҳат реклама ва тарғиботнинг куч-имкониятларини ҳам қамраб олади. Шундай экан, юртимиздаги қадамжоларнинг туристик хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни, дейлик, арабзабон мамлакатлар орасида кенг ёйилишини истасак, реклама тадбирларини инглиз тилида эмас, балки араб тилида ўтказган

мақсадга мувофиқдир. Чунки инглизчани ҳамма ҳам тушунавермайди.

Шуни қайд этиш жоизки, хорижлик меҳмонларнинг юртимиз ва юртоқларимизга ҳурматлари баланд. — 2017 йилда Бухорода «Ипак ва зирворлар» халқаро фестивалида қатнашганим, — дейди Туркиянинг юртимиздаги фавқуллоҳда ва мухтор элчисининг маданый ва таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси Жесим Челиби. — Ушунда ипак маҳсулотлари сотиладиган бир дўконга билмасдан икки-уч марта кирганимда сотувчи аёл «Боя биздан нарса харид қилдингиз-ку, қўшини дўконларни ҳам кўздан кечиринг» деганди. Мана ҳақиқий танглик, олижаноблик. Ўйламанки, шундай фазилатлари учун ҳам халқингиз эҳтиромга лойиқ.

Умуман, шу каби кўпдан-кўп омиллар диёримизга келувчи чет эллик сайёҳлар, зиёратчиларнинг кўпайишига хизмат қилади. Биз ана шуларни унутмаслигимиз лозим.

Рустам ИБРОҲИМОВ, «Ishonch»

Қорақалпоғистон Республикаси

Чора-тадбирлар кўрилмакда

Газетанинг шу йил 16 март сониди «Термит кўчмайди... кўчиради ёхуд унга қарши курашувчи «кўчманчи идора» ҳақида гапмигиз ҳикоя» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Мақола Вазирлар Кенгашида муҳокама этилди ва тегишли мутахассислардан иборат Ишчи гуруҳ тузилиб, қайд этилган масалалар ҳудудларнинг ўзиди ўрганиб чиқилди. Ҳудуднинг натижалари бўйи-

ча аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 5 апрелдаги 01-09/13-04/338-сонли чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижро этиш учун мутасадди вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга ҳамда Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликларига юборилди».

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Сариев

Мақолага Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институти томонидан қуйидагича муносабат билдирилди:

«Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада термитларга қарши кураш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан Зоология институти ҳузурида 2012 йилда «Республика термитларга қарши курашиш маркази» ДУК ташкил этилган. Унга қуйидаги вазифалар юклатилган:

— Зоология институти ёки бошқа ташкилотлар томонидан яратилган термитларга қарши заҳарли ем-хўрақлар ва кураш воситаларини ишлаб чиқариш;

— Термитларга қарши курашиш юзасидан Зоология институти билан ҳамкорликда услубий қўлланмалар, тавсиялар ва инструкциялар ишлаб чиқиш;

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Усимликларни ҳимоя қилиш марказлари билан биргаликда термитлар тарқалган объектларни аниқлаш ҳамда аҳоли ўртасида термитларга қарши курашиш бўйича тушунириш ишларини амалга ошириш;

— термитларга қарши заҳарли ем-хўрақлар ва курашиш воситаларини шартнома асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Дезинфекция станциялари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Усимликларни ҳимоя қилиш марказлари буюртма асосида етказиб бериш.

Марказ ташкил этилгандан буён Қорақалпоғистонда доимий равишда ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Дезинфекция станцияси ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университети ходимлари билан биргаликда аҳоли ўртасида термитларнинг зарари, уларни бартараф этиш борасида тушунириш ва тарғибот ишлари амалга ошириб кели-

нлмакда. Хусусан, термитлар тўғрисида қисқа метражли видеороликлар тайёрланиб, эфирга узатилган. Термитларга қарши кураш тизимига оид тавсиялар ҳамда йўриқномалар тарқатилган. Бундан ташқари, ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида термитлар тарқалишининг олдини олиш ва уларга қарши курашни ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатувчи ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бироқ айрим сабабларга кўра, Қорақалпоғистонда аҳоли уй-жойларида термитларга қарши курашиш тадбирларини ташкиллашти-

Мақолада «Таслақ» ОФЙ ҳудудида 2700 та турар-жой бинолари мавжудлиги, янги иморатлар қурилаётгани тўғрисидаги маълумот қайд этилган. Ушбу ҳудудда 2017 йил Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Дезинфекция станцияси, «Республика термитларга қарши курашиш маркази» ДУК ходимлари иштирокида термитларнинг зарари ва уларга қарши курашиш ишларини ташкил этиш муносабати билан аҳоли ўртасида йиғилиш ўтказилган ва аҳолини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб берилган. Бош вазир ўринбосарининг 2014 йил

Ҳамкорлик бўлса, иш олға силжийди

риш ва мониторинг қилиш ишлари бажарилмади қолмакда.

Биринчидан, Зоология институти ҳузуридаги «Республика термитларга қарши курашиш маркази» ДУК ҳўжалик ҳисобида фаолият юритади. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги 27-сонли қарориди Марказ фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар Дезинфекция станциялари ва «Вилоятгагрокимёҳимоя» бошқармаларига шартнома орқали термитларга қарши заҳарли ем-хўрақлар етказиб бериши белгиланган.

Ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ўтказилган семинарларда Ер кадастрлаш ходимларига термитлар тарқалган ҳудудларда аҳолига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиш ва давлат аҳамиятига эга бўлган қурилиш ишларини ташкил этишда эътиборли бўлиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилган.

1 апрелдаги 05/1-730-сонли топшириғининг 2-бандига мувофиқ, термит билан зарарланган хонадонларда уларга қарши курашиш харажатларини хонадон эгаларининг шахсий маблағлари, имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда ишчи гуруҳларнинг хулосалари асосида бюджетдан ташқари маблағлар ва эътиш ташкилотлар маблағларини жалб этиш ҳисобида амалга ошириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 3354 та аҳоли уй-жойлари, 3 та мактаб, 9 та иқтисодий объект ва 14 та қабристон (60,3 гектар) термитлар билан кучли зарарланган.

Зоология институти ҳузуридаги «Республика термитларга қарши курашиш маркази» ДУК ва Қорақалпоғистон Республикаси Дезинфекция станцияси ҳўжалик ҳисобида фаолият юритаётгани сабабли Қорақалпоғистон Республика-

Зоология институти директори Б.Холматов

«Ishonch»га жавоб берадилар

Бундан ўн-беш йил олдин Тошкент шаҳридаги «Ишонч» газетасида «Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

Термит кўчмайди... кўчиради

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:



«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

«Термит кўчмайди... кўчиради» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қуйидигача жавоб йўлади:

Тошкент вилояти

Келгуси ойда мамлакатимизда фуқаролар йиғини раиси сайлови бўлиб ўтади. Бу тадбир халқимизнинг юксак маънавиятини, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини ва жамиятда кечаётган демократик жараёнларга нисбатан муносабатини ҳам синовдан ўтказиши. Фуқаролар йиғинларига муносиб раҳбарларни танлаш, овоз бериш жараёнида шохша-шошарлик, таниш-билишчилик ҳамда лоқайдликка йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла раислигига ким муносиб?

ёки бўлажак сайловлар олдингиларидан нимаси билан фарқ қилмоқда?

Яқинда сайловда тарғибот ва ташвиқот ишлари билан танишиш, номзод ва сайловчиларнинг кайфиятини, ўз олдларига қўйган эзгу мақсадларини билиш мақсадида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Майрамқўи» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Маҳаллада сайловга жиддий тайёргарлик кўрилмакда. Сайловни ташкил этиш бўйича туман комиссияси қошида алоҳида штаб тузилган бўлиб, унинг аъзолари аҳолига «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилмоқда, сайлов жараёнига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар хусусида етарлича маълумот бермоқда.

Маҳаллада 571 та оилада 1777 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бошқа жойларда бўлган каби ҳудудда ҳам ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги тасдиқланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги бир ой ичида кам таъминланган оилаларга эҳтиёжига яраша мева-дархат кўчатлари етказиб берилган бўлса, 17 нафар оилага иссиқхоналар ташкил этиш учун туман ҳокимияти ташаббуси билан амалий ёрдам кўрсатилган.

«Айни шу дамгача маҳалла фуқаролар йиғини раислигига ҳар томонлама ҳурмат-эътибор топган 6 нафар кишининг номзоди кўйилди, — дейди «Майрамқўи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўткир Эшов. — Уларнинг ҳаммаси муносиб номзодларча бу йилги сайлов олдингиларидан бутунлай фарқ қилади. Аввало, янги тартибга кўра, энди фуқаролар йиғини раиси икки ярим йил эътибор, балки уч йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғини раисларидан олий маълумот ва халқ орасидаги катта ҳурмат-эътибор, ҳаётий тажриба талаб қилинади. Бўлажак сайловда ҳеч қандай таниш-билишчилик ва таваккалчиликка йўл қўйилмайди. Чунки, номзодларга овоз бериш яширин тарзда ўтказилмади. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, раисликка номзодларнинг қариндош-уруғлари, яқин кишилари вакил бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, бўлажак сайлов илгариларидан бошқача тарзда ўтиши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Сайловда маҳалла аҳлининг фаол қатнашиши унинг ҳар томонлама адолатли ўтишини таъминлайди. Сайловчилар қанчалик талабчан ва эътиборли бўлса, улар танлаган раис ҳам шунга муносиб бўлиши амалда исботланган.

Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»

Кир ювгач, қўлим қичиб, терисида бўртган доначалар пайдо бўлди. Хавотирланиб, шифокорга учрадим. У бу аллергия экани, уни кўпиртирувчи кукун келтириб чиқариши мумкинлигини айтди. Ҳайрон бўлдим: Ахир, кир ювиш кукунисиз саришталкини тасаввур қилиш мумкинми? Қолаверса, кун сайин уларнинг турлари кўпайиб кетаётган бўлса, ҳамма ҳам кир ювиш машинасидан фойдаланмаса?

22 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА

Шу саволлар ҳаёлимда узоқ айланди. Изландим. Шунда бир маълумотга дуч келдим: норвегиялик олимлар 22 йилдан буён тозаловчи маҳсулотларнинг одамларга таъсирини ўрганишди. Тажриба иштирокчиларининг 13,6 фоизи кукун организмда бронхиал астма касаллигини келтириб чиқаришини алоҳида қайд этган.

Sputnik.ru сайти маълумотига кўра, Берген университети тажрибасида иштирок этган кишилар ҳафтасига 3 мартаба кийимни тозалашда маиший кимёвий моддалардан фойдаланган. Бу жараёнда ўпқадаги нафас йўлларига кукун таркибиди зарарли аммиак ва хлор моддалари тўпланган. Кимёвий микроскопик зарралар эса шиллиқ қавагининг деформацияси, яъни ўпка ҳажмининг кичрайтириши ва шиш ҳосил бўлишига олиб келган. Олимларнинг фикрича, бу сиргетнинг инсон организмга таъсиридан ҳам хатарлироқдир.

ИММУНИТЕТ ХАВФ ОСТИДА

Дерматовенеролог Анна Шеверованинг билдиришича, кир ювиш моддаларидаги фосфатлар қўл терисини кўчиради. Бунинг натижасида терига бактериологик тоқсин, оғир металл ва аллергия кўзга татувчи бошқа унсурлар кириб олади. Бундай фаол моддалар орасида энг хавфлиси анион моддасидир (у ювиш кукунлари ва ювиш воситаларининг аксарият қисмида мавжуд). У организмдаги

иммунитетга хавф туғдиради. Шунинг учун фойдаланувчи таркибида 5 фосфатдан ошмайдиган фаол моддалари мавжуд бўлган кукунни танлаш керак. Бундай маълумотлар ёрликда баён этилиши шарт. Айтганча, истеъмолчиларга харид қилишдан аввал таркибида зеолит ва поликарбонат каби экологик тоза моддалари бўлган маҳсулот танлаш тавсия этилади.

МЕЪЁРДА ГАП КЎП

— Рўйхатдан ўтган барча кимёвий воситалардаги моддаларнинг токсикологик, гигиен-

далашни тақозо этади. Кимёвий воситаларни ҳаддан зиёд қўллаш оқибатида аллергия, яъни унинг бирламчи салбий кўринишларидан бири юзага келиши аниқ. Айтиш жоизки, аллергия кўриниш терида кузатилса, демак, организмнинг ички шиллиқ қавадларида ҳам шундай салбий ҳолат пайдо бўлади. Албатта, бу ўринда битта модда икки хил таъсир қилиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Текширувлар шунга кўрсатадики, бир модда кимгадир аллергия берган бўлса, яна кимгадир бундай салбий ҳолат учрамайди.


Тозалик кукунлари: фойда ва зарарлар кетма-кетлиги

Улардан фойдаланишининг йўриғи ҳақида нималарни биламиз?

ЗАҲАРЛОВЧИ ИДИШ

Олимларнинг маълум қилишича, ювиш воситаларида ювилган идишларни ишлатиш оқибатида ҳар доим уларнинг қолдиқ микдори инсон ичига юталади. Шу боис, болалар учун мўлжалланган идишларни ювишда зарарли модда учрамайдиган маҳсулотлардан тайёрлаш тавсия этилади.

— Бундан икки йил бурун Республика шовилинч тиббий марказининг «Токсикология» маркази раҳбари соғлиқни сақлаш вазирлиги хат билан мурожаат қилган эди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош токсиколог Абдуҳаким Саримсоқов. — Унда «Ялтироқ қозон» ювувчи модда билан, айниқса, болалар орасида заҳарланиш авж олиб кетгани учун ушбу кимёвий мод-



Долзарб мавзу

тўғри фойдаланмаслик салбий ҳолатларнинг туғилишига туртки бўлади.

НИМА ҚИЛМОҚ ДАРКОР?

Айтиш жоизки, экологик маиший-кимёвий моддаларда ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Чунки у заҳарли моддаларни ўз ичига олмайди, лекин аксар ҳолларда хавфли бактерияларга тўла бўлади. Бу эса ҳар қандай табиий маҳсулотни сақлаш шартларига кўпроқ эътибор беришни талаб этади.

Шундай экан, бу каби ҳолатлардан ўзини қандай ҳимояласак бўлади?

Аввало, барча тозаловчи воситаларни ишлатишда белгиланган қоидаларга риоя этилса, хавф нисбатан камаёди. Бунинг учун уларни қуруқ, қуёш нуридан ҳимояланган жойда сақлаш, қаддоқдаги фойдаланиш шартлари, йўриқлари, оғохлантириш белгилари ва эҳтиёт чораларини синчковлик билан ўқиш, шунингдек, кимёвий воситани қўллашдан олдин ҳимоя қўлқопларини кийишни доимо ёдда сақлаш шарт.

Хуллас, соғлом ҳаёт кечиришининг сири атрофдаги маълум ёки номаълум моддалардан ҳимоялана олиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Маҳлиё УМИРЗОҚОВА, «Ishonch»



41 Халқ таълими вазири тўғри таъкидлаганидек, ҳозир жаҳмиётда хорижий тилларни, ахборот технологияларини билган кадрларга талаб ва эҳтиёж катта. Бу ўз-ўзидан «карьерга қиламан, яхши маошли ишда ишлайман» деган ҳар қандай одамни тил ўрганишга, замонавий технологияларни пухта эгаллаш чораларини кўришга мажбур қилади. Буни ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам англаб етди. Аммо шу жараёнда, каминида бироз андиша уйғотган бир масала ўртага чиқади: биз хорижий тилларга, айниқса, инглиз тилига ҳаддан зиёд ружу қўймаймизми? Мен ҳам она сифатида фарзандларимнинг бир неча тилни билиши тарафдориман ва бунга зарур ша-

роит яратиб беришга ҳаракат қиламан. Лекин фарзандларимизга таълимнинг бошқа тилда ўргатилишига эътирозларим бор. Негаки... Биринчидан, ўз ватанимизда нега ўзга тилда таълим беришимиз керак? Азбаройи инглиз тили дунёнинг катта қисмида яшовчи халқлар учун алоқа воситаси сифатида хизмат қилгани учунми? Иккинчидан, таълимнинг бошқа тилларда берилиши, хоҳлашимизми-йўқми, ёшларда она тилимизга бўлган нотўғри муносабатни шакллантиради. Боиси, инсон қайси тилда таълим олса, шу тилда фикрлайди, ўша тилга мансуб бўлган миллат маънавиятидан озқилади. Сабоқлар тўлиқлигича инглиз тилида ўтиладиган (боз устига, хорижлик устозлар қўл остида) мактабларда халқимиз эртақлари, афсона-ю асотирларимиз, адабиётимиз ва кўҳна тарихимиз бор бўй-басти, оҳори билан ўргатилишини мен тасаввур қила олмайман. Қолаверса, инглиз тили биринчи ўринга қўтарилган бу мактабларда она тилимиз иккинчи даражалилигича қолаверади. Бир неча тилда бир хил фикрлайдиган ва ёзадиган даражага эришиш эса ноёб ҳодиса. Иш юзасидан кўп мутахассислар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Минг афсуски, уларнинг баъзилари турли илмий унвон ва даражаларга эга бўлса-да, ўз қарашларини рус тилида ёзиб келади ёки фикрини шу тилда баён этади. Сабабини изоҳлаш шарт бўлмас керак. Олдимизда шундай аянчли мисол турганда ҳам нега фарзандларимизга таълимни она тилида бериш, айни вақтда хорижий тилларни чуқур ўргатиш ҳақида қайғурмаймиз? Ўтмишдан сабоқ чиқармаймиз? Ўзга тилда таълим олганларнинг аксариятига ўша тил тегишли бўлган миллатнинг менталитети, руҳи, маънавияти сингади. Ўша халққа, унинг қадриятларига хайрихоҳлик қайфияти пайдо бўлади. Аслида, бу ёмон эмас. Аммо биз бундан ўз миллатимиздан, маънавиятимиздан узилиб қолиш, йироқлашиш эвазига амалга оширилмаслиги керак-да! Яқин ўтмишдаги сулаштириш сиёсати оқибатида она тилимизга эътибор сўбатиде кетгани, ҳатто ўз тилимизга сўзлашишга ор қиладиган даражага тушиб қолганимиз наҳот унутилди? Айни ҳолат инерцияси тўғрисида файли она тилимизнинг қадрини

Таълимни ўзга тилда олиш ўз оиласини кўшинининг иродаси билан яхши кўришдай гап. Биз шусиз ҳам миллий ғурур нуқтаи назаридан бир неча авлодни йўқотиб бўлдик. Қилган хатоларини «ўзбекчилик-да энди» деб миллий мансублигига тўнқайдиганлар кўпайиб кетди. Ўзбек тилини яхши билмайдиган, билмаслигидан уялмайдиغان (!), оддий матндан тортиб исм-шарифига хато ёзадиган ўқувчиларга, талабаларга, масъул ишларда ишалаётган кадрларга эга бўлдик. Мамлакат ҳаётига доир янгиларни узатадиган оммабоп сайтлар имло хатоларга тўла материалларни чоп этмоқда. Буларнинг барчаси ўша хатоларимизнинг инъикоси эмасми? Истаган виллятнинг истаган ту-



қўшади. Давлатимиз раҳбарининг «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан «ўқувчиларда ва-

беришни тақозо этмайди. Она тилида таълим олиб, уни мукамал билмайдиган, инглиз ёки халқаро аҳамиятга эга бўлган бошқа тилларни ҳам пухта эгаллаган одам янгилардан бебаҳра қолиб кетадими? Фан-техника асрида янгиларнинг аввал рус тилига, кейин ўзбек тилига таржима қилинишини ким кутиб ўтиради? Жавоб ҳақида яна шундай жумлалар келтирилган:

«Инглиз тили дунё бўйлаб кенг тарқалган ва тобора тарқалиб бораётган тил ҳисобланади. Жаҳондаги халқаро илмий анжуманлар ҳам инглиз тилида олиб борилади. Барча ривожланган давлатлар мактаби, лицейи, коллежи ҳамда олий таълим даргоҳида инглиз тили ўқитилади.»

Жавоб шу инглиз тилининг «кенг тарқалгани» ва «тобора тарқалиб бораётгани» ҳам, анжуманларнинг шу тилда ўтказилиши ҳам миллий тилни писанд қилмасликка баҳона сабаб бўлмайди.

Барча ривожланган мамлакатларда инглиз тили ўқитилиши табиий ҳол. Чунки ўша давлатларнинг кўпчилигида инглиз тили давлат тили. Қолганларида эса, матнда кўрсатилганидек, «инглиз тили ўқитилади», таълим инглиз тилида берилмайди!!! Ватани ривожлантириш, фарзандларимизни баркамол қилиб вояга етказиш асло хорижий тилга боғлиқ эмас. Жажжи шахматчи ака-ука Синдороевлар инглиз тилисиз дунёга танилди, ўзини эътироф эттирди. Муножот Йўлчиева жаҳон сахналарида ўзбек тилида кўшиқ айтиб юракларни жунбушга келтирмоқда. Олти асрдирик, Алишер Навоий дунёни ўзбек тилида мафтун қилмоқда. Ўзбек тилини махсус ўрганиб, Навоий асарларини тадқиқ этаётган тадқиқотчиларни айтмаймизми?! Ўзбек тилида ўрганиш шарт бўлган, тадқиқ қилишга арзийдиган юзлаб нусха нодир қўлёзмалар, бетакрор асарлар навбатини кутиб, тоқчаларда чанг босиб ётибди.

Шуларни ўрганиш ҳам Ватанимиз севини, Ватанга хизмат қилиш, уни ривожлантириш йўлидаги асосий қадам, аслида. Хорижий тилдан хабардорлик, бу илм дегани эмас. Таълим соҳасининг улуг устози Абдулла Авлоний бир аср олдин «Ҳар бир миллатнинг миллат эканлигини кўрсатадурғон ойна жаҳони унинг тили ва адабиётидир. Тилни йўқотмак, миллатни йўқотмак демакдир. Тил яшаса, миллат яшар» деган эди. Бугун ҳам, эртага ҳам, бу пурмаъно сўзлар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Биз шуни англаб етсак бўлди...

Шахноза ЭРГАШЕВА, филология фанлари номзоди



Очиқ хатни ўқиб... ЎЗГА ТИЛГА ЭЪТИБОР ўз она тилини камситиш ҳисобидан бўлмаслиги ЛОЗИМ

Халқ таълими вазирига очиқ хат

Қўшунининг иродаси билан яхши кўришдай гап. Биз шусиз ҳам миллий ғурур нуқтаи назаридан бир неча авлодни йўқотиб бўлдик. Қилган хатоларини «ўзбекчилик-да энди» деб миллий мансублигига тўнқайдиганлар кўпайиб кетди. Ўзбек тилини яхши билмайдиган, билмаслигидан уялмайдиغان (!), оддий матндан тортиб исм-шарифига хато ёзадиган ўқувчиларга, талабаларга, масъул ишларда ишалаётган кадрларга эга бўлдик. Мамлакат ҳаётига доир янгиларни узатадиган оммабоп сайтлар имло хатоларга тўла материалларни чоп этмоқда. Буларнинг барчаси ўша хатоларимизнинг инъикоси эмасми? Истаган виллятнинг истаган ту-

«Ishonch» газетасининг шу йил 14 мартдаги сонидан ўрол Содиқнинг «Халқ таълими вазирига очиқ хат»ини такрор ва такрор ўқидим. Бу борада ўзимнинг ҳам кўпдан бунён йиғилиб қолган фикрларим бор эди.

Ўтган аср саксонинчи йилларида собиқ Совет Иттифоқи худудидида руслаштириш сиёсати авжига чиққан эди. Барча расмий ҳужжатлар рус тилида юритиларди. Ҳатто мажлисларни ҳам рус тилида ўтказиш одатга айлана бошлади. Бу бир қатор кичик миллатларга фожиа келтирди. Табиийки, бизнинг она тилимиз ҳам, тарихимиз ҳам бу сиёсатдан жиддий зиён кўрди.

Хайриятки, мустақилликка эришдик. Ўзбек тилининг давлат тили мақомига эга бўлиши Бош қўму-симизнинг 4-моддасига муҳрлаб қўйилди.

Аммо ўзимизни англаш жараёни чўзилиб кетганидани, она тилимизга хурмат ва эътиборимиз сустлигидани, тилимизга ёт сўзлар тобора кўпроқ кириб бормоқда.

Бу қандай гапки, мамлакатимиздаги энг нуфузли таълим масканида дарслар она тилимизда ўқитилмас... Бу, биринчидан, «Давлат тили ҳақида»ги қонунга хилоф эмасми?

Иккинчидан, иқтидори ва истеъдоди кучли ёшларни тарбиялашдан мақсад уларнинг Ватан тараққийига хизматини кучайтириш эмасми? Ахир, ўз она тили, ўз халқининг тарихини чуқур билмайдиган, унга нисбатан хурмат ва эътибори бўлмаган одамнинг қалбиди ватанпарварлик туйғуси нечоғлидир? Ҳар ҳолда, бошқа тилларни ўрганиш она тилимизга зиён етказиш ҳисобидан бўлмаслиги керак. Ҳа, бугун инглиз тилининг жаҳонда мавқеи баланд, эртаги унинг ўрнини хитой ёки бошқа тил эгаллаши мумкин. Демак, кейин хитой тилини ўрганишга зўр берамизми? Нега биз ўз она тилимиз обрў-эътиборини ошириш ўрнига уни камситишимиз керак?!


Раҳим МАҚСУДОВ, журналист Қизилтепа тумани

ЭЪЛОН

1995 йилда Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 41-мактаб томонидан Эшмуродов Шухрат Элбоевичга берилган АО 116252 рақамли шаҳадатнома йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Қай тилда фикрласангиз, шу миллатга мойилсиз

роит яратиб беришга ҳаракат қиламан. Лекин фарзандларимизга таълимнинг бошқа тилда ўргатилишига эътирозларим бор. Негаки... Биринчидан, ўз ватанимизда нега ўзга тилда таълим беришимиз керак? Азбаройи инглиз тили дунёнинг катта қисмида яшовчи халқлар учун алоқа воситаси сифатида хизмат қилгани учунми? Иккинчидан, таълимнинг бошқа тилларда берилиши, хоҳлашимизми-йўқми, ёшларда она тилимизга бўлган нотўғри муносабатни шакллантиради. Боиси, инсон қайси тилда таълим олса, шу тилда фикрлайди, ўша тилга мансуб бўлган миллат маънавиятидан озқилади. Сабоқлар тўлиқлигича инглиз тилида ўтиладиган (боз устига, хорижлик устозлар қўл остида) мактабларда халқимиз эртақлари, афсона-ю асотирларимиз, адабиётимиз ва кўҳна тарихимиз бор бўй-басти, оҳори билан ўргатилишини мен тасаввур қила олмайман. Қолаверса, инглиз тили биринчи ўринга қўтарилган бу мактабларда она тилимиз иккинчи даражалилигича қолаверади. Бир неча тилда бир хил фикрлайдиган ва ёзадиган даражага эришиш эса ноёб ҳодиса. Иш юзасидан кўп мутахассислар билан мулоқот қилишга тўғри келади. Минг афсуски, уларнинг баъзилари турли илмий унвон ва даражаларга эга бўлса-да, ўз қарашларини рус тилида ёзиб келади ёки фикрини шу тилда баён этади. Сабабини изоҳлаш шарт бўлмас керак. Олдимизда шундай аянчли мисол турганда ҳам нега фарзандларимизга таълимни она тилида бериш, айни вақтда хорижий тилларни чуқур ўргатиш ҳақида қайғурмаймиз? Ўтмишдан сабоқ чиқармаймиз? Ўзга тилда таълим олганларнинг аксариятига ўша тил тегишли бўлган миллатнинг менталитети, руҳи, маънавияти сингади. Ўша халққа, унинг қадриятларига хайрихоҳлик қайфияти пайдо бўлади. Аслида, бу ёмон эмас. Аммо биз бундан ўз миллатимиздан, маънавиятимиздан узилиб қолиш, йироқлашиш эвазига амалга оширилмаслиги керак-да! Яқин ўтмишдаги сулаштириш сиёсати оқибатида она тилимизга эътибор сўбатиде кетгани, ҳатто ўз тилимизга сўзлашишга ор қиладиган даражага тушиб қолганимиз наҳот унутилди? Айни ҳолат инерцияси тўғрисида файли она тилимизнинг қадрини



тушиб қолганидан куйинади. Тўғри-да, ўз юртимизда ўзга тилда таълим беришни афзал билсақ, бунинг замон талаби, дея изоҳласак, соҳани яхши билган мутахассисдан кўра, чет тилни билган ходимни афзал кўрсак, расмий ҳужжатлар-у қонунлардан тортиб оддий хатни ҳам ўзга тилда ёзиб, сўнг она тилимизга таржима қилсақ, ўзбек тили гуллаб-яшнайдимми?! Аксинча, вазият шу тарзда давом этаверса, она тилимиз «хавфга чалинган» ёки худо кўрсатмасин, «ўлаётган тиллар» қаторига тушиб қолайми? Бунинг учун кейин ким жавоб беради? Тил, маънавият сингари нозик масалаларда адашишга, ўтмишдаги хатоларни такрорлашга асло ҳаққимиз йўқ!

Яқинда бир матбуот анжуманида вазир «инглиз тилисиз дунёга чиқиб бўлмас»лиги, «Инглиз тилини ўрганиш дегани — она тилини ўқиманг дегани эмас»лигини таъкидлади. Албатта, Беҳбудий айтганидек, бир тил билган — бир киши, икки тил билган — икки киши. Лекин хорижий тил, вазир қўшимча қилганидек, зинҳор «фарзандларимиз ўсиб-униши, бир четда қолиб кетмаслиги»нинг қафолати эмас!

ман, энг чекка худудига боринг, Сизни «Ореп» деб ёзилган дўконлар, «Чайхана продаётеся» қабиладаги эълонлар кутиб олади. Сабабини сўрасангиз, йўлда ўтиб кетиши мумкин бўлган сайёх тушуниши учун ёки бошқа тил эгалари хафта бўлмаслиги учун дейди. Қизик, Англия ё АҚШда ўтиб бораётган ўзбек тушуниши учун «Очик» деб ёзилган дўконлар сони нечта экан? Дунёнинг қай бурчиди, бизни хафта бўлмасин деб, «Кафе сотилмоқда» шаклида эълон берилди? Ёки давлат хизматлари учун тўлдирилмаган қоғозлар, гувоҳномалар, давлат хизматлари негадир тилида тақдим этилди. Нега?! Давлат тили ўзбек тили эмасми ёки? Бу муаммоларнинг илдизи фақат она тилимизнинг обрўси етарли даражада эмаслигидан-ку?

Агар хорижий тилсиз фарзандларимиз ўсиб-унмайди, бир четда қолиб кетади, деб ҳисобласак, аҳвол ҳозиргидан баттар бўлиши, ўз давлат тилида саводсиз миллат шаклланиши аниқ. Хорижий тилга давлат тилини маъв этиш даражасида эътибор қаратилиши миллий ғурурни йўқотишга олиб келади.

Юртимизнинг турли худудларида янги авлод кадрларини тайёрловчи Президент мактаблари ташкил этилаётгани қувонарли

танпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, бағрикенглик, қонунарлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат билан муносабатни, ҳаётга қатын ишонч ва қарашларни шакллантириш» бундай мактабларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белги-ланган. Бу вазифани тўлиқ амалга ошириш учун, бизнингча, ўқувчилар она тилида таълим олиши, бошқа хорижий тиллар эса чуқур ўргатилиши керак. Миллат болагига ватанпарварлик, миллий ғурур ўз она тили орқали синдирилсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Чунки инсоннинг ўзи фикрлайдиган тилга нисбатан хурмати баланд, шу тилдаги қадриятларга мойиллиги юқори бўлади.

Яна бир гап. Ўрол Содиқнинг очиқ хатда билдирган эътирозларига Халқ таълими вазирига Ахборот хизмати берган жавоблар ўз ночорлиги билан савол устига савол туғдиради. Жавобдаги

«олий мақсадларни кўзлаб, инглиз тилини ўрганишга қорлаш ўз она тилига беэътибор бўлиш ёки ватанпарварликка қарши бориш деб баҳоланиши нотўғри. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда дунёга машхур кўп аломлар яшаб ўтган. Президент мактаблари ҳам келгусида шундай алломаларни етиштириб чиқарадиган масканга айланиши кўзда тутилган.»

Ушбу матндаги биринчи гап билан кейинги гаплар ўртасида қандай мантикий боғлиқлик бор? Улар, аксинча, бир-бирига қарама-қарши маъно бермоқда.

Ёки «дунёда фан-технология соҳасидаги янгиларнинг 90 фолидан ортиги инглиз тилида чоп этилиши» таълимни инглиз тилида ўргатиш ёки унга устуворлик

Ўзга тилда таълим олганларнинг аксариятига ўша тил тегишли бўлган миллатнинг менталитети, руҳи, маънавияти сингади. Ўша халққа, унинг қадриятларига хайрихоҳлик қайфияти пайдо бўлади. Аслида, бу ёмон эмас. Аммо биз бундан ўз миллатимиздан, маънавиятимиздан узилиб қолиш, йироқлашиш эвазига амалга оширилмаслиги керак-да!

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69. Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёти — (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгилар, таҳлил, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилади ва саҳифаланди. «Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонусида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, Банк номи: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130.

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22. Андижон — (+998-99) 889-90-23. Бухоро — (+998-99) 889-90-31. Жиззах — (+998-99) 889-90-25. Наманган — (+998-99) 889-98-02. Навоий — (+998-99) 889-90-28. Самарқанд — (+998-99) 889-90-26. Сирдарё — (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32. Фарғона — (+998-99) 889-90-24. Хоразм — (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27. Навбатчи муҳаррир: Х. Нурбоев. Мусаҳҳаж: С. Шодиева. Саҳифачилик: Х. Абдужалилов. ЎзА яқини — 23:10. Тошхилдири — 23:50. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босмага табоқ. Бюджетга Г — 417. 30112 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133. 1 3 4 5 6

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Мўаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.